



ИЧКИ ИШЛАР ТИЗИМИДАГИ ПСИХОЛОГЛАРНИНГ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИ

Хуршид Алланиязов Махсетович

катта сержант

Нукус шаҳри Ички ишлар бошқармаси Жамият Хавфсизлиги
Хизмати Хуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси Вояга
етмаганлар масалалари бўйича инспектор психологи
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17589787>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 05-noyabr 2025 yil
Ma'qullandi: 08-noyabr 2025 yil
Nashr qilindi: 12-noyabr 2025 yil

KEY WORDS

психолог, ички ишлар тизими,
стресс, касбий фаолият,
хизмат интизоми, мотивация,
психодиагностика.

ABSTRACT

Мазкур мақолада ички ишлар тизимидаги психологларнинг касбий фаолияти мазмуни, вазифалари ва муаммолари ёритилган. Шунингдек, ходимлар билан ишлашдаги психологик ёндашувлар, стресс бошқаруви, хизмат интизомини сақлаш ва жамоада соғлом муҳит яратишда психологнинг роли таҳлил қилинган.

Ички ишлар тизими — жамиятда хавфсизликни таъминловчи ва қонун устуворлигини амалга оширувчи муҳим давлат тузилмасидир. Ушбу тизимда хизмат қилувчи ходимлар жисмоний ва руҳий жиҳатдан жуда катта юклага дуч келишади. Шу боис, ички ишлар тизимидаги психолог фаолияти нафақат ходимларнинг руҳий ҳолатини барқарорлаштириш, балки уларнинг касбий самарадорлигини ошириш, стресс ва конфликтларни олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Л. О. Резников образни акс эттириш объектига структура жиҳатидан мос келадиган, системага бирлаштирилган ҳиссий сигналлар йиғиндиси деб қарашни таклиф этди. Бундай таърифлар образни объектнинг нусхаси ёки тўғрироғи, психикада пайдо бўладиган объект тасвири сифатида тушунишга асосланади [2].

Барча гуманитар фанларда "образ" воқеликдаги нарса ёки ҳодисалардан нусха кўчириш (акс эттириш) натижаси сифатида қаралади. Мазкур натижа инсон онгида яратилган ёки бадий асарда вербал ёки бошқа воситалар ёрдамида яратилган "расм" шаклида намоён бўлади. Психологияда образ акс эттириш объектига тузилиши жиҳатидан мос келадиган ҳиссий сигналларнинг бир тизимга бирлаштирилган мажмуидир. Инсон онгида у томонидан атроф-муҳитда идрок қилинаётган объектнинг фикрий (ментал) образи шаклланади.

Шу билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари олимлари (Н.В. Андреев, М.Г. Деболский, И.О. Котенев ва бошқалар) томонидан психологик хизмат фаолиятининг у ёки бу жиҳатларини назарий жиҳатдан асослашга қаратилган мақсадли уринишлар амалга оширилмоқда. Қайд этилган муаллифларнинг ишларига, шунингдек, психологлар фаолияти тажрибасини ўрганишга асосланиб, унинг муваффақиятли ишлашини таъминлайдиган асосий элементларни ажратиш кўрсатиш мумкин [1]:

- психологик хизмат мақсадлари;
- касбий қадриятлар (қадриятли йўналишлар);
- фаолиятнинг асосий вазифалари ва йўналишлари;
- психологик функциялар ва уларни амалга ошириш воситалари;
- психологик хизматнинг ташкилий тузилмаси;
- психологик хизмат ходимларининг сифат таркиби;
- амалиётчи психологлар меҳнатини ташкил этиш;
- моддий-техник жиҳозлаш.

Психологик хизматнинг мақсади (миссияси) - психология фани ютуқларидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалий фаолиятида унинг самарадорлигини ошириш мақсадида фойдаланиш. Аслини олганда, гап ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини интеллектуаллаштириш ва инсонпарварлаштириш ҳақида бормоқда.

Психологик хизмат ходимларининг касбий қадриятлари кўп жиҳатдан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг умуметиуроф этилган қадриятларига мос келади. Шу билан бирга, ҳар бир хизмат ўзининг профессионал менталитетига эга. Судьяларнинг касбий қадриятлари прокуратура ходимларининг қадриятларидан фарқ қилади, тиббий хушёрхона ходимлари терговчиларга қараганда ҳаётий фактларни бошқача баҳолайдилар. Амалиётчи психологлар учун асосий касбий қадрият шахс, унинг ўзига хослиги, ўз-ўзини ривожлантириш қобилияти ҳисобланади. Психолог ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида нафақат ҳуқуқий, балки ахлоқий меъёрларга (касбий ахлоқ кодексига) ҳам амал қилади.

Психолог мижоздан "шахсий ишонч" асосида олинган психодиагностик маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши керак. Психолог текширилувчини тест натижаларидан ким ва нима учун фойдаланиши мумкинлиги тўғрисида албатта огоҳлантиради (масалан, ходимни аттестациядан ўтказишда).

Психолог томонидан касбий фаолият давомида тўпланган маълумотлардан учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида фойдаланилмаслиги керак. Психолог шуни англаши керакки, баъзан уни манипуляция қилишади, унинг ёрдамида "номақбул" ходимни ишдан бўшатишга ёки бошқа хизматга ўтказишга ҳаракат қилишади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида психологик хизмат олдида иккита асосий вазифа туради: биринчиси - ходимларнинг психологик ишончилигини ошириш ва уларнинг психологик салоҳиятидан тўлароқ фойдаланиш, иккинчиси - ходимларга тезкор-хизмат вазифаларини ҳал этишда психологик ёрдам кўрсатиш.

Ички ишлар тизими психологи фаолияти қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

Психодиагностика — ходимларнинг шахсий ва эмоционал ҳолатини баҳолаш (тестлар, интервьюлар, анкета усуллари орқали).

Психокоррекция ва психопрофилактика — стрессни камайтириш, тажовузкорликни назорат қилиш, хулқ-атворни барқарорлаштириш.

Психологик маслаҳат бериш — шахсий ёки хизматдаги муаммоларни ечишда ёрдам кўрсатиш.

Психологик тренинглари ташкил этиш — жамоавий муносабатларни мустаҳкамлаш, етакчилик ва қарор қабул қилиш кўникмаларини ривожлантириш

Касбий фаолиятда учрайдиган қийинчиликлар:

Психологлар кўпинча қуйидаги муаммоларга дуч келишади:

- ходимлардаги юқори даражадаги стресс ва чарчоқ;
- раҳбарият ёки жамоа томонидан психологик маслаҳатнинг қадрига етмаслик ҳолатлари;
- ёрдам сўрашдан уялиш ёки ишончсизлик;
- доимий равишда салбий эмоционал муҳитда ишлаш натижасида психологнинг ўзида «профессионал ёниш синдроми» ривожланиши.

Ички ишлар тизимидаги психолог фаолияти — бу фақат маслаҳат ёки тест ўтказиш эмас, балки инсон ҳаёти ва хавфсизлиги учун жавобгар бўлган ходимларнинг руҳий соғлиғини сақлаш тизимидир. Психологлар фаолиятини такомиллаштириш, уларни рағбатлантириш ва замонавий усуллар билан таъминлаш орқали ички ишлар тизимида самарадорлик ва инсонпарварлик тамойилларини янада мустаҳкамлаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Водолазский П.В. Организация морально-психологического обеспечения деятельности органов внутренних дел Российской Федерации при выполнении задач в особых условиях [Электронный ресурс] // Актуальные исследования. – 2020. – №5 (8). – С. 31-34.
2. Любаев Д.В., Любаев А.В. Специфика деятельности психолога в структуре МВД [Электронный ресурс] // Юный ученый. – 2019. – № 8 (28). – С. 148-150.

